

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАБИЙ ФАНЛАР ФАКУЛТЕТИ

“ЭКОЛОГИЯ ВА ГЕОГРАФИЯ” КАФЕДРАСИ

ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ МУХИТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ

БАКАЛАВРИЯТ ТАЪЛИМИ ЙУНАЛИШИ

22-16 гуруҳ талабаси

ЖУРАЕВА ДИЛФУЗАнинг

ЭКОЛОГИЯ АСОСЛАРИ фанидан

“ЎЗБЕКИСТОНДА КАМЁБ ВА ЙЎҚОЛИБ

БОРАЁТГАН ЎСИМЛИКЛАР ВА УЛАРНИ

МУХОФАЗА ҚИЛИШ” мавзусидаги

КУРС ИШИ

Қабул қилди: А.КЕНЖАЕВ

ГУЛИСТОН – 2017

Р Е Ж А:

- 1 Кириш.
 - 1.1 Ўзбекистоннинг табиий шароити ҳақида қисқача маълумот.
 - 1.2 Ўзбекистон ўсимликлар дунёси.
- 2 Асосий қисм.
 - 2.1. Ўзбекистонда камайиб бораётган ўсимликлар .
 - 2.2. Йўқолиб бораётган доривор ўсимликлар.
- 3 Камёб, йўқолиб бораётган ўсимликларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари.
 - 3.1. Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб”и.
 - 3.2. Муҳофазага муҳтож сапонинли , ошловчи ва эфирмойли ўсимликлар.

Хулоса.

1 Кириш

1.1 Ўзбекистоннинг табиий шароити ҳақида қисқача маълумот.

Ўзбекистон ер усти тузилиши бетакрордир. Шунга монанд табиати ҳам, бойликлари ҳам, хилма-хил. Қулай табиий шароит ишлаб чиқариш самарадорлигининг муҳим табиий омилдир.

Табиий шароит, айниқса қишлоқ хўжалиги, фойдали қазилмалар ишлаб чиқариш ва транспорт ҳаракатида яққол билинади. Тоғ рельефи, шўрхоклар, чўллар, тақирлар, жарликлар ҳудудни хўжалик жиҳатдан ўзлаштиришни қийинлаштиради. Қурғоқчил йилларда дарё сувлари камайиб, экинларни сув билан таъминлаш оғир кечади. Лекин фан-техника тараққиёти туфайли ишлаб чиқаришнинг табиий шароитга боғлиқлиги енгиб келинмоқда. Айни вақтда инсоннинг табиатга таъсири кучайиб, салбий оқибатларга ҳам олиб келмоқда.

Табиий бойликлар табиий шароитдан фарқ қилиб, ишлаб чиқаришга бевосита алоқадор, яъни унинг хомашё ва энергетика базасини ташкил этади.

Ўзбекистон катта ерости бойликларига эга бўлган мамлакатдир. Аммо мамлакат иқтисодиётининг хомашёга ва ёқилғига бўлган эҳтиёжи тўхтовсиз ортиб бормоқда. Ҳозирда табиий бойликларнинг ярмига яқиндан фойдаланилмоқда. Шундай бўлса-да, табиий бойликлар захирасидан тежаб фойдаланишимиз зарур. Чунки ерости бойликлари тугайдиган ва тикланмайдиган бойликдир.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган унумдор тупроқ, аҳоли эҳтиёжи учун зарур ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, инсон ҳаёти учун зарур бўлган ҳаво ҳам тугайдиган ва тикланмайдиган табиий бойликка мансубдир. Тошкент, Фарғона, Навоий каби шаҳарлар, айрим саноат районлари ҳудудида ҳаво таркибидаги кислород аҳоли эҳтиёжини қондира олмаяпти. Ҳолбуки, кислород манбаи бўлган ўсимликлар ўнлаб йилларда тикланади. Унумдор

тупроқ эса ундан ҳам секин тикланади. Ўлкамиз ҳудуди қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тугамайдиган табиий бойлигидир.

Мамлакатимиз ҳудуди битмас-туганмас қуёш энергияси бойлигига эга. Қуёш энергияси тугамайдиган табиий бойликдир. Қуёшдан келаётган иссиқликни электр энергиясига айлантириш истиқболлари жуда каттадир.

Ўсимликларни ўрганиш кишилик дунёсининг талабларига биноан жуда эрта бошланган ва ривожланган. Ўсимликлар ҳақидаги фан ва уни ўрганиш кишилик дунёсининг тараққиёти билан боғлиқ. ”Ўрта Осиё кишилик дунёси маданияти тараққиётининг энг қадимги марказларидан бири ҳисоланади“. Бизнинг эрамиздан бир неча минг йил аввал маҳаллий ўсимликлардан маданийлаштириш учун ўсимликлар танланган. Н.И.Вавлов, М.П.Жуковский, М.Г.Попов каби академикларнинг тасдиқлашича Ўрта Осиё бошқа жойларга нисбатан деҳқончилик ривожланган жойлардан бири бўлган.

VII асрнинг ўрталарида Ўрта Осиёга араблар келган ва уларнинг олимлари маҳаллий ўсимликларни ўргана бошлаган. Улардан энг муҳими Розий “Дориворни ўрганиш ”деган асарида жуда кўп доривор ўсимликлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ботаника фанига катта ҳисса қўшган Ўрта Осиёлик буюк Сино бўлган. У ўзининг “Тиб конунлари” номли 2-китобида жуда кўп доривор ўсимликларнинг морфологияси, келиб чиқиши, таркиби ва географияси ҳақида маълумот берган. Ибн Сино ўсимликларни лотинча, юнонча, арабча номларидан ташқари маҳаллий номларини ҳам ёзган. Масалан: хайма, сумбул ва бошқалар.

Маҳмуд Қошғарий ўзининг “Девону луғати турк” асарида 200 дан ортиқ ўсимликларнинг географиясини, экологиясини ва морфологиясини ўрганган. Уларнинг номларини, хўжалик аҳамиятини кўрсатган.

Араб географи Ибн Баттут Африка, Осиё, Жанубий Европага VII асрнинг ўрталарида эса Хоразм, Самарқандларга саёҳатида у ерларнинг ботаникаси билан ўсимликлар ҳақида ўз асарларида ёзиб кетган.

1.1 Ўзбекистон ўсимликлар дунёси.

Ўзбекистон ўсимликлар дунёси дунёси турли тумандир. Улар адирларда ҳаддан ташқари исиб кетадиган қумли ва шўрхоқ чўлларда, ҳамиша қор ва музликлар билан қопланиб ётадиган баланд Тянь-Шан ва Помир Олой тизма тоғларининг қояларида тошлар орасида, денгиз, кўл, дарё, канал ва ботқоқларда шу шароитга мослашиб ўсадилар.

Ўсимликлар дунёсини ўхшаш белгиларига қараб маълум тартибга, системага солиб ўрганилади. Ўсимликлар систематикаси ботаника фанининг асосий қисми бўлиб, унда ўсимликларнинг келиб чиқиши, ўхшаш даражаси ва тарихий ривожланишига қараб гуруҳларга, систематик бирликларга, таксонларга (юнон таксис- тартиб) ажратилади.

Маълум бир ҳудудда тарқалган ўсимликлар флора дейилади. Бир бирларига яқин туркумлар қўшилиб оилани ташкил қилади.

Ер шаридаги ўсимликлар турлари бир-бирларидан ташқи тузилиши, ҳаётий шакли, турли шароитда яшаши, кўпайиши, ўсиши, тарқалиши ва бошқа белгиларига қараб бир- биридан фарқ қилади ва шунга кўра улар эволюциянинг турли поғоналарида туради.

Ўзбекистон ўсимликлар дунёси, умумий Ўрта Осиё табиати билан биргаликда ўрганилди. Айниқса Биринчи жаҳон урушидан кейин 1920-йилларнинг охирида ўрганила бошланди. У вақтда адабиётларнинг камлиги, бор материалларнинг чоп этиш имконияти бўлмаганликдан Ўзбекистон ўсимликларини ўрганиш анча суст борган. Бу сабабларнинг барчаси Ўзбекистон ўсимликларини мукаммал ўрганишни талаб этди. Шунинг учун олимлар Ўзбекистон ўсимликлари ҳақидаги мавжуд маълумотларни йиғиш, табиий шароитда уларни ўрганиш ва улар ҳақидаги монографиялар ёзишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Ўрганиш натижасида 4 томли “Ўзбекистон ўсимликлар қоплами” монографияси ёзилиб унда Ўзбекистоннинг 3750 та ўсимлик турлари аниқ таърифланган.

Ўзбекистоннинг ёввойи ўсимликлари таркибига мевали, ем-хашак, доривор, ошловчи, сапонин сақловчи, эфирмойли, бўёқ ва манзарали ўсимликлар киради.



Туркистон савири



Куйруксимон лола



Ши́рач



Петилиум



Фишер

Штернбергияси





Магнолия

2. Асосий қисм

2.1. Ўзбекистонда камайиб бораётган ўсимликлар .

Ўсимликлар тирик табиатнинг таркибий қисми бўлиб, теваарак атроф муҳити билан чамбарчас боғланган ва ўзининг яшаши учун зарур бўлган шароитни топади. Ўсимликлар озиқланади, кераксиз моддаларни чиқариб ташлайди, ўсади, кўпаяди, ташқи таъсирни сезади ва унга жавоб беради, ниҳоят нобуд бўлади.

Олимларнинг ҳисоблашича ер юзида бугунги кунда 15 миллионга яқин тирик турлар бўлиб, ҳар куни улардан тахминан 100 га яқини йўқолиб бормоқда. Уларнинг йўқолиши кўп вақтда унчалик сезилмайди, ҳозирги кунда 1750000 турлари мавжудлиги аниқланган.

Ўзбекистон ўсимликларини асосий қисми асосан 6 томли “Ўзбекистон флораси”да келтирилган. Лекин ўша вақтда унга кирмай қолган турлар ҳам бор. Чунки Ғарбий Тяншан 1956-йилгача Қозоғистон ҳудудида эди.

Ўзбекистон ўсимликлари ер қоплами 145 оила, 1028 та туркум ва 4230 турни ўз ичига олади. Булардан 492 тур маданий ўсимликлар. Улар ичида 26 оила кўп учрайдиган маданий экиладиган ўсимликлар. Ўзбекистон флораси ичида эндемик турлар унча кўп бўлмасдан 390 та ёки барча ўсимликларнинг 9.2% ташкил этади. Ўрта Осиёда 3336 та тур эндемдир.

Демак ўсимликларнинг турли туманлиги, Республиканинг экологик шароити ва иқлимнинг бир хилда эмаслигини кўрсатади. Булар эса ўсимликларнинг ҳаётий шаклига фотосинтезнинг таркибига таъсир кўрсатади.

Ер куррасида ҳозирги вақтда 670 минг (шундан 500 минг гулли ўсимликлар) ўсимликлар ва 1.5 миллион ҳайвон турлари мавжуд бўлиб, уларнинг 93 фоизи учун қуруқлик ва 7 фоизи учун сув яшаш муҳити ҳисобланади. Турларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг йўқолиб кетиши сабаби эволюцион тараққиёт жараёни бўлиб, ерда геологик шароитларнинг

ўзгаришига ҳам боғлиқдир. Аммо одамнинг келиб чиқиши натижасида бу ҳамда одам томонидан янги ерларнинг, оролларнинг ва континентларнинг ўзлаштирилиши натижасида бу табиий жараён бузила бошлади. Одам томонидан янги ерларнинг, оролларнинг ва континентларнинг ўзлаштирилиши натижасида бутун сайёра масштабида фауна ва флоранинг хилма-хиллиги тобора камайиб бориши жараёни кузатилмоқда.

2.2. Йўқолиб бораётган доривор ўсимликлар.

Турларнинг қирилиши қадим замонлардаёқ бошланган эди. Ўн минг йиллар илгари овчилар томонидан мамонтлар, қалин жунли каркидонлар, гигант буғулар, ғор арслони ва айиқлари, ўрта асрларда Европа тури, Стеллер сивири қирилиб кетди.

Ўсимлик ва ҳайвон турларининг тобора йўқолиб бориш хавфи мамлакатлар ва бутун дунё миқёсида зарур чора тадбирларни ишлаб чиқиш ва бутун дунё миқёсида зарур чора тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш эҳтиёжини туғдирмоқда.

1948-йилда табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш Халқаро иттифоқи тузилди. Бу ташкилот флора ва фаунани муҳофаза қилишга қаратилган ҳамма ишларни бирлаштирди. Мазкур халқаро уюшма 1973-йилда “қора рўйхат”ни чоп этди, унда батамом йўқолиб бораётган ҳайвонот турлари рўйхати келтирилди.

Ўзбекистонда ўсимлик ва ҳайвон турлари сони 2700 дан ортиқ бўлиб, улардан ҳайвон турлари 15000 дан ортиқ, ўсимликлар, замбуруғлар ва сув ўтлари эса 11000 атрофида. Ўзбекистон республикаси ҳудудида ҳозирги кунда 4500 га яқин гулли ўсимликлар турлари мавжуд. Улар орасида жиддий муҳофазага муҳтож кўпгина камёб, эндем ва рихт турлари мавжуд. Бундай турларнинг сони 400 атрофида бўлиб, улар Ўзбекистон флорасининг 10-12 фоизини ташкил этади. Ўзбекистон флорасининг йўқолиб кетиш хавфи остида турган 163 тур ўсимлик “Қизил китоб”нинг 1984-йилги нашрига киритилган, янги “Қизил китоб”га эса киритилган ўсимликлар сони 301 тага етди.

Аҳолининг табиатга нотўғри муносабати ҳам ўсимликларнинг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда, айниқса шаҳар ва қишлоқлар атрофидаги қизил лола, саллагул, ширач ва шунга ўхшаш нафис гулли ўсимликлар жуда камайиб кетди. Табиатга, ўсимликлар дунёсига нисбатан нотўғри муносабатда бўлишга чек қўйиш, табиат бойликларини муҳофаза қилиш ва кўпайтириш ҳаммамизнинг асосий бурчимиз.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, атроф-муҳитни, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берди. 1992-йил 9-декабрда “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, 1997-йил 7-майда “Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тўғрисида” ва нихоят, 1997-йил 26-декабрда “Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар барча ўсимлик турларини сақлаб қолиш, уни асраб-авайлаш ва муҳофаза қилишда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Республикамызда атроф-муҳитни зарарли, захарли ва бошқа ифлослантирувчи моддалардан тозаловчи ва атмосфера ҳавосини турли фойдали моддалар (фитотсидлар) билан бойитувчи ўсимликлар ўрганила бошланди. Натижада санитар зоналар ва катта йўлларнинг четларига экиладиган ўсимлик турлари аниқланди. Сайёрамизда биологик хилма-хилликни сақлаш мақсадида махсус муҳофазага олинган ҳудудлар ташкил этилган. Ҳозирги даврда ана шундай ҳудудларга республикамыздаги кўриқхоналар, буюртмахоналар, миллий боғлар ва табиат ёдгорликлари киради.

Кўриқхоналар- табиий ҳолда табиатнинг барча таркибий қисмлари муҳофаза қилинадиган майдон. Уларнинг асосий вазифаси ўсимлик ва ҳайвонларнинг айрим турлари, ҳамжамоалари ва айниқса кам ва йўқолиб бораётган турларни ўрганишга, уларни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор беришдан иборат.

Буюртмахоналар-табиатнинг айрим бир бурчагидаги ҳайвонлар ва ўсимликлар қоплами, айрим ўсимлик турлари ва бошқалар сақланадиган жой. Масалан, овчилик, балиқчилик, ўрмончилик ва бошқа буюртмахоналар.

Миллий боғлар- табиий ландшафтларнинг (ноёб ўсимликлар ва ҳайвонот турлари, ўзига хос ўсимликлар ҳамжамоалари) муҳофаза қилинадиган майдон. Миллий боғлар кўриқхоналардан фарқ қилиб, улардан аҳоли дам олиш, соғломлаштириш ва эстетик завқ олиш мақсадларида фойдаланади.

Табиат ёдгорликлари- миллий, маданий ва тарихий жиҳатдан табиатнинг айрим қисмларини муҳофаза қилиш учун ташкил этилади. Уларга айрим асрдош, камёб дарахтлар, ғорликлар, булоқлар, шаршаралар, тарихий обидалар ва бошқалар киради.

Инсон доривор ўсимликлардан кенг фойдаланади. Ҳозирги даврда доривор ўсимликларнинг 1500 дан ортиқ туридан дунё миқёсида фойдаланилади. Келажакда уларнинг турлари яна ҳам ортади. Шунинг учун ҳам баъзи бир доривор ўсимликлар доимий равишда йиғилиши натижасида уларнинг захиралари камайиб кетмоқда.

Ҳозирги кунда доривор ўсимликлар тиббиёт соҳасида анча ката аҳамиятга эга ҳисобланади. Чунки уларда тайёрланадиган дорилар халқ табобатида кенг миқёсда фойдаланмоқда. Шунингдек бу дорилар кимёвий йўл билан тайёрланган дориларга қараганда етарлича фойдаси кўпдир. Айниқса уй шароитида табобатдан хабари бўлган шахслар ундан самарали фойда кўрмоқда.

Доривор ва озуқабоп ўсимликларни инсонлар томонидан танилиши ва уларни истеъмол этилиши жуда қадим замонлардан маълум. Доривор ўсимликларни ўрганиш ва халқ табобатида қўлланилиши қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон ва Рим давлатларининг адабий маълумотларидан маълум. Ўрта асрлар эса доривор ўсимликларни халқ табобатида қўлланилиши Ўрта Осиёда, Кавказ ва Араб давлатларида ҳам тарқалди, уларни ўрганиш, ҳатто маданий ўсимликлар сифатида ўстириш ва етиштириш эҳтиёжи ҳам туғила бошлади.

Машҳур юнон табиби Гиппократ ўзининг “Котпус Хиппократикум” асарида 236 хил доривор ўсимликларнинг хусусиятларини баён қилиб берди.

Маълумки, ҳозирги вақтда тиббиётда қўлланилаётган дори-дармон воситаларининг 60% дан ортиғи доривор ўсимликлардан тайёрланади. Доривор ўсимликлардан олинadиган дори-дармонлар кимёвий сунъий равишда олинadиган препаратларга нисбатан афзаллиги билан ажралиб

туради. Чунки ўсимликлардан тайёрланган дори-дармон деярли асоратсиз ҳисобланади.

Доривор ўсимликларни ўрганиш ҳамма вақт социал ва иқтисодий аҳамиятга молик бўлиб икки йўналишда амалга оширилади:

1. Маҳаллий флорага мансуб бўлган доривор ўсимликларни асраш ва ареалларини аниқлаш, йўқолиб кетаётган турларини ўстириш ва кўпайтириш;
2. Чет эл флорасига мансуб бўлган доривор ўсимликларни Республикамиз шароитида уларни интродукция қилиш, иқлимлаштириш ва интродукция шароитида уларни ўстириш, кўпайтириш ва етиштириш усуллари ишлаб чиқди.

Бу соҳани янада ривожлантириш ва янгиликлар киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамсининг 1999-йил 9-январда 697-сонли “Доривор ўсимликларни ўстириш, кўпайтириш ва йўқолиб бораётган ўсимликларни асраш ҳақида” ги қонуни ишлаб чиқилди. Доривор ва эфир мойли ўсимликларнинг 23 тури географик жиҳатдан экиб синашдан ўтказилди. Бу илмий ишлар Ўрта Осиё Давлат Университетининг ботаника боғида, Тошкент атрофидаги Бўзбозорда, Жанубий-ғарбий Тяньшан тоғ олди адирликларида, Хўжанд ва Чимён тоғларида олиб борилди. Қуйида бир қанча доривор ўсимликларни ва уларнинг номларини келтириб ўтамиз. Бу ўсимликларни ўрганиш, уларни ҳимоя қилиб кўпайтириш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг бурчидир.

Ўзбекистондаги доривор ўсимликлар

1-жадвал

Ўсимлик номи	Оиласи
1.Арслонқуйруқ	Лабгулдошлар
2.Арпабодён	Сойқабонгдошлар
3.Бўтакўз	Мураккабгулдошлар
4.Гулиздарак	Айиқтовондошлар
5.Олабута	Шўрадошлар
6.Оқсинак	Дуккакдошлар
7.Наъматак	Раъногулдошлар
8.Ихрож	Султамадошлар
9.Қоқиўт	Мураккабгулдошлар
10.Қоразирк	Зиркдошлар
11.Қариқиз	Мураккабгулдошлар
12.Қизилбарг	Оначирдошлар
13.Ровоч	Айиқтовондошлар
14.Сачиратқи	Мураккабгулдошлар
15.Санчқиўт	Мураккабгулдошлар
16.Себарга	Дуккакдошлар
17.Сувқалампир	Торондошлар
18.Седана	.Айиқтовондошлар
19.Ўрик	Раъногулдошлар
20.Зира	Соябонгулдошлар



Доривор айиктовон

3. Камёб, йўқолиб бораётган ўсимликларни муҳофаза қилиш чоратadbирлари.

Ер, ер ости бойликлари , сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 55-моддаси.

Ўзбекистон Республикасида мавжуд ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 1997 йил 26 декабрида “Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги” қонуни қабул қилиниши катта аҳамиятга эгадир. Ўсимлик дунёси табиат бойликларининг бир қисми бўлиб, жамиятда инсон ҳаётида катта экологик аҳамиятга эга. Бундан ташқари камёб ўсимликларни асраб авайлаш мақсадида ҳукумат қарорлари асосида Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобини нашриёти йўлга қўйилди. Буларнинг ҳаммаси она табиатни ва унинг ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилишга қаратилган. Ўсимликлар дунёсининг муҳофаза қилиш билан бир қаторда улардан оқилона фойдаланиш ва ўрмон хўжаликлари иши илмий асосда йўлга қўйилди.

Яйловлар Ўзбекистон ҳудудида 22,8 млн гектар майдонни ташкил этади. Ҳозирги даврда ўтлоқлардаги 700 га яқин ёввойи ўсимликлар ўрганилиб, улардан оқилона фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилди.

Республикамизда атроф муҳитни зарарли, заҳарли ва бошқа ифлослантирувчи моддалардан тозаловчи ва атмосфера ҳавосини турли фойдали моддалар (фитотсидлар) билан бойитувчи ўсимликлар ўрганила бошланди. Натижада санитар зоналар ва катта йўлларнинг четларига экиладиган ўсимлик турлари аниқланди. Сайёрамизда биологик хилма-хилликни сақлаш мақсадида махсус муҳофазага олинган ҳудудлар ташкил этилди. Буларни юқорида таъкидлаб ўтган эдик.

Шундай қилиб, ҳозирги даврда инсоният олдида биологик хилма-хилликни сақлашдек муҳим экологик муаммолар вужудга келди. Биологик хилма-хилликни сақлаб қолишда инсонларнинг барчаси фаол иштирок этишлари лозим. Теварак- атрофимизда қанчалик яшил ўсимликлар қоплами кўп бўлса, сайёрамиздаги ҳаёт шунчалик гўзал, барқарор, абадий бўлади.

Табиатни шу жумладан, унинг ажралмас қисми ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш айти замоннинг энг муҳим муаммоларидан бирига айланди.

Республикамызда хилма-хил фойдали турларга бой, бебаҳо ўсимликларини муҳофаза қилиш бизнинг муқаддас бурчимизга айланмоғи лозим. Биз фақат фойдали ўсимликларни эмас, Ўзбекистон ҳудудида ўсаётган ҳар бир турни асраб авайлашимиз ва уларни келгуси авлодларга ҳозиргисидан ҳам аъло даражада инъом этишимиз керак.

Ҳа, сир эмас инсоннинг салбий таъсири натижасида ўсимлик қопламлари ва турларининг сони тобора камайиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” га етмак, зира, тоғ пиёзи, лола, анжир сумбул, хисор бодоми, омонкора ёввойи узум, кийик ўт каби ўсимликлар киритилган.

1983 йил “Ноёб, камёб турларни рухсатсиз йиғувчиларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисида” фармон қабул қилинди.

1999 йили” Ўрмон тўғрисидаги” қонун қабул қилинди.

3.1. Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб”и.

Табиатдан оқилона фойдаланмаслик туфайли айрим йўқолиб ва камайиб бораётган турларни муҳофаза қилиш мақсадида махсус ҳукумат қарорлари асосида 1979-йил Ўзбекистон Республикасининг “Қизил китоб”и таъсис этилди.

Қизил китобга киритилган ҳар бир ўсимлик унинг хавф остида турганлигидан далолат беради. Қизил китобнинг моҳияти шундан иборатки, у наботот оламининг камёб, йўқолиб кетиш хавфи остида турган турлари ҳақида маълумот беради. Қизил китобнинг вазифаси жамоатчилик ва давлат ижроия муассасаларини табиат муҳофазаси муаммосига жалб этишдан ва турлар генофондини сақлаб қолишга кўмаклашишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб”ига киритилган ўсимлик турлари Табиатни муҳофаза қилиш халқаро уюшмаси томонидан ишлаб чиқилади.

Таъкидлаш лозимки, “Қизил китоб”га киритилган ўсимликлар ва ҳайвонлар рўйхати йилдан йилга аниқроқ бўлмоқда ва биз уларнинг янги нашрларини кўрмоқдамиз. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобида ўсимлик ва ҳайвонот тури, оиласи, авлоди, туркуми тартибда, алфавит бўйича рўйхатга олинган ва ҳар бир ўсимлик кўргазмали тарзда суратлари келтирилган. Бу ўз навбатида ноёб ва йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвон турлари тўғрисида кенг омма томонидан аниқ тасаввурларга эга бўлишларига ёрдам беради.

“Қизил китоб” муҳофаза чораларини кучайтириш, кўрикхона ва буюртма хоналарини кенгайтириш, ёввойи ўсимликлар билан савдо-сотиқни тартибга солишда лицензиялар тизимини жорий қилиш каби бир талай муҳим тадбирларни кун тартибига қўяди.

Умуман, бу китоб ўсимлик ва ҳайвонот дунесинини муҳофаза қилиш борасида қонун асосларига таянган муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Китобга киритилган ўсимлик турлари 4 категорияга бўлинган:

“0” мақомидаги ўсимлик турлари йўқолган ёки йўқолиш арафасида турган ўсимликлардир;

“1” мақомидаги ўсимликлар турлари эса йўқолиб бораётган турлардир. Бунга йўқолиб кетиш хавфи остида турган, сақлаб қолиш учун махсус муҳофаза қилишни талаб этадиган ўсимликлар киритилган;

“2” мақомидаги турлар эса ноёб турлардир. Бу гуруҳга маълум кичик майдонларда ўзига хос шароитларда сақланиб қолган, тез йўқолиб кетиши мумкин бўлган ва уларнинг сақланишини таъминлаш учун жиддий назоратни талаб этувчи турлар киради;

“3” мақомидаги ўсимлик турлари камайиб бораётган ўсимликлардир. Бу гуруҳга киритилган ўсимлик турлари маълум вақт ичида сони ва тарқалиш майдонлари табиий сабабларга ёки антропоген омиллари таъсири остида қисқариб кетаётган турлар киради;

“4” мақомидаги турлар эса камайиб бораётган турлар ҳисобланади.

Албатта вақт ўтиши билан турлар бирида иккинчисига ўтиши мумкин.

“Қизил китоб”ни тузишда асосан ЎзРФА “Ботаника” илмий ишлаб чиқариш марказида сақланаётган бир миллиондан ортиқ гербарийлардан ва Россия ФА “Ботаника” институтидаги гербарийлардан ҳамда шу институтдаги илмий манбалардан фойдаланилди.

1984-йилда нашр этилган Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига 163 тур ўсимлик киритилган бўлса, унинг 1998-йили чоп этилган иккинчи нашрига 301 тур ўсимлик киритилди. Шундай қилиб, кейинг йилларда олиб борилган изланишлар ўлкамиз флорасида яна 138 ўсимлик турини “Қизил китоб”га киритиш мумкинлигини кўрсатди.

“Қизил китоб”нинг ўзбек ва рус тилларида ёзилган иккинчи нашрига киритилган ҳар бир турнинг ўзбекча, русча, латинча номлари камёблик даражаси, қисқача ботаник тавсифи, тарқалиши, ўсиш шароити, табиатдаги сони, кўпайиши, ўсимликнинг камайиб кетиш сабаблари, маданийлаштирилиши, муҳофаза чоралари, илмий манбалар, тарқалишини

кўрсатувчи харита ва расми берилган. Қизил китобга киритилган турлар Республикада бир хилда тарқалмаган.Қорақалпоғистон Республикасида -11, Андижон-4, Бухоро-24, Жиззах-21, Навоий-13, Самарқанд-45, Сурхандарё-112, Сирдарё-12, Тошкент-80, Фарғона-28, Қашқадарё-59.

Келтирилган рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, камёб турларга бойлиги жиҳатидан Сурхандарё, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари олдинги ўринда туради.Таъкидлаш жоизки, камёб турларнинг аксарияти қисми тоғли ҳудудларда тарқалган.Турларга бойлигига кўра бурчокдошлар, қоқиўтдошлар, ялпиздошлар оилалари алоҳида ўринда туради.

Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” га етмак, зира,тоғ пиёзи, лола, анжир сумбул, хисор бодоми,омонкора ёввойи узум, кийик ўт каби ўсимликлар киритилган.

2-жадвал

Вилоят номи	Кизил китобга киритилган тур сони
Қорақалпоғистон Республикасида	11 тур
Андижон	4 тур
Бухоро	24 тур
Жиззах	21 тур
Навоий	13 тур
Самарқанд	45 тур
Сурхандарё	112 тур
Сирдарё	12 тур
Тошкент.	80 тур
Фарғона	28 тур
Қашқадарё	59 тур

3.2. Муҳофазага муҳтож сапонинли , ошловчи ва эфирмойли ўсимликлар.

САПОНИНЛИ ЎСИМЛИКЛАР

Сапонинли ўсимликларга бўлган талаб ҳозирги кунда ошиб бормоқда бундай сапонинли ўсимликлар ҳам ҳозирги кунда муҳофазага талаб. Бундай ўсимликларга “Қизил китоб”га киритилган етмак, беҳ,качим , ерсовун каби ўсимликлар киради. Ушбу ўсимликларнинг таркибида қимматбаҳо сапонин мавжуд бўлиб, сапонин – кўпирувчи деган маънони англатиб, ўсимликлар ҳосиласи ҳисобланади. У кимёвий таркибига кўра жуда мураккаб тузилишга эга. Сувда коллоидли қуюқлик ҳосил қилади, қаттиқ чайқатилганда кўпирадиган, глюкозидлар группасига кирувчи модда. У кислоталар таъсирида гидролизланганда агликонлар ва ҳар хил шакарли қисмларга парчаланади. Кўп ядроли бирикма агликонлар сапонин таркибида бўлиб, уларни сапогенинлар дейилади. Сапонин шундай бир хусусиятга эгаки, у халостерин моддалари билан ўзаро таъсирлашиб молекулали бирикмалар ҳосил қилиб, сувда яхши эримайди. Бу моддаларнинг хусусиятидан фойдаланиб, бир қанча янги бирикмалар ҳосил қилиш мумкин. Сапонин яхши кристалланмайди, ишлов берилганда осон парчаланганлиги туфайли соф ҳолдаги кимёвий сапонин моддасини ажратиб олиш жуда ҳам қийиндир. Сапонин моддаларининг кўпчилик қисми аморф ҳолатда ажратиб олинган бўлиб, таркибида бошқа моддалар ҳам учрайди. Сапогенин сувда эримаслиги аммо органик эритувчи моддаларда яхши эриши сувда кўпирмаслиги ҳамда қонни қуюктирлаштирмаслиги туфайли сапониндан фарқ қилади. Сапогенин сапонинга қараганда яхши ўрганилган,стеринсимон бирикмаларга ўхшаш бўлганлиги туфайли физиологик актив моддаларни айниқса жинсий гармонлар буйрак қобигидаги гормонлар юракка таъсир этувчи гликозидлар ва ўт кислоталарни ўрганишда муҳим рол

ўйнайди. Сапонин инсон организмларининг баъзи бирларига кучли таъсир этади. Улар бурун, лаб ва кўз атрофидаги хужайра ҳамда туқималарни яллиғлантиради ва кўзни ёшлантиради, бурундан сув келтиради, акса урдиртиради, баъзан аллергия беради, қизил қон таначаларини парчалайди, яъни гемолизлантиради.

Тиббиётда сапониндан тайёрланган турли дори дармонлардан кенг фойдаланилади. Айниқса балғам кўчирувчи, сийдик хайдовчи, экзема ва бод касалликларини даволашда кенг ишлатилади. Диоскария ўсимлигидан олинадиган сапонидан диосгенин, кортизон, преднизалон ва бошқа бир қанча қимматбаҳо дорилар, дармонларни синтез қилишда асосий хом ашё манбаи ҳисобланади. Ўсимликлардан олинаётган сапонин моддаларга халқ хўжалигимизнинг турли тармоқларида эҳтиёж каттадир. Улардан пенобетонлар ишлаб чиқаришда, озиқ-овқат саноатида жундан ясалган газмолларни тозалашда кенг фойдаланилади. Шунингдек металлургия алюминийни электролиз қилишда ишлатилади. Сапонинли ўсимликлар Ўзбекистон флорасида ҳам кўп тарқалган. Сапонинли ўсимликларнинг аъзоларида ҳар хил микдорда яъни барги, гули, пояси, меваси, илдизи ва туганакларида тўпланади. Сапонинли микдори ўсимлик аъзоларида бир оз ёки кўп тўпланиши турли хил факторларга боғлиқдир. Аввало ўсимликларнинг ўсиш шароитига, ривожланиш даврига ҳамда кўп жихатдан ёшига, агар улар экин сифатида ўстирилатган бўлса, қўлланиладиган агротехник тадбирларга боғлиқдир.

Ўзбекистон флорасида учрайдиган, қимматбаҳо хом ашё манбаи ҳисобланган, аммо ўринсиз фойдаланиш туфайли Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган (етмак еки бех), уларни экин сифатида ўстириш мумкин. Шу ўсимликлардан айримларини баён этамиз:

ЕТМАК : Чиннигулдошлар оиласидан, бўйи 50-80 смга етадиган чала бута шаклида ўсувчи кўп йиллик ўсимлик. Пояси тик, ён шохчалар ҳосил қилиб ўсади. У шундай ён шохчалар ҳосил қиладики унинг диаметри 80 смдан ошади. Поялари оқиш ва тўқ қизил тусда, бўғимлари йуғон бўлади.

Илдизи жуда ҳам зич,йўғонлиги 10 смга етади.Барглари поя ва ён шохчаларида бир-бирига қарама қарши холда жойлашади .Барги узунчок,бигизсимон шаклда,узунлиги1-2 см,эни 0,5-3,0 мм,тиканга ўхшайди. Етмак март ойида гуллаб,кўкаради. Гултожибарглари оқ узунлиги 0.5 смга якин,тўпгуллари поясининг учида жойлашган.Гуллари тез тўкилиб кетади.Меваси май-июнь ойларида пишади.Уруғидан яхши ўнади.Етмакнинг илдизида кўпик ҳосил қилувчи модда-сапонин бор.Сапонин моддаси кондитер саноатида(нишолда,лак,крем,буёқ ишлаб чиқариш саноатида), газламаларни ювиш,металларни тозалаш,хашаротларга қарши курашиш ва ўт ўчириш ишларида,қисман дори тайёрлашда кенг фойдаланилади.Ўзбекистоннинг кўпгина жойларида,айниқса Тошкент вилоятининг Пискент ва Охангарон туманлари атрофида кўп учрайди.

ЕРСОВУН зиркдошлар оиласидан,бўйи 20-45 смга етadиган кўп йиллик ўсимлик.Унинг ер ости пояси 20-30 см узунликда бўлиб,поясининг асосида тугунаклари бўлади.Тугунакларининг катталиги 15 смдан ошади,у февраль ойларида кўкариб,апрель ойларида гуллайди.Гуллари сарғиш,20-30 биргаликда тўпланиб шодагул ҳосил қилади.Дастлаб илдиз буғзидан чиқадиган иккита барги 3-5см кўтарилади.Барг япроғи уч бўлакка бўлинган,барги мураккаб баргга ўхшаб кетади.Поядаг барглар сони 3та еки 5 та бўлади.Булардан поянинг пастки қисмидаги иккитаси илдиз буғзидаги баргларга ўхшашдир.Ерсовун меваси май ойида пишади. У шишган чанокчадан иборат.У Республикамизнинг кўпгина вилоятларида қумлоқ ва соз тупроқли ерларида ўсади.Айниқса лалмикор ерларда кўп учрайди.Самарқанд вилоятининг Каттакўргон туманларида жуда кўп ўсади. Унинг илдизи таркибида кўпик ҳосил қилувчи модда бўлгани учун илгари вақтда совун ўрнида ишлатилган.Тугунагида крахмал ҳам кўп. Ундан спирт саноатида,дори тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Уни моллар деярли емайди.

КАЧИМ чиннигулдошлар оиласига киради,баландлиги 140 смгача борадиган кўп йиллик ўт ўсимликдир.Пояси этдор,бир қанча шох-

шаббаларга эга. Барглари узун сершира, кўк рангли, ўткир нашта-симон. Гуллари рувак холдаги тўпгуллар хосил қилади. Гултожибарглари оч қизғиш ранглидир. Качим июн-август ойларида гуллайди, уруғи август-сентябр ойларида тўлиқ пишади. Качим ўсимлиги табиатда унча кенг тарқалмаган. У адир ҳамда тоғолди қисмида, шўрхок ерларда захрок жойларда тарқалган. Качимнинг табиий бойликлари йўқ. Лекин унинг хом ашёсига бўлган талаб кундан кунга ошиб бормокда. Чунки ўсимлик илдизлари 8 фоизгача сапонин моддаларни сақлайди. Унинг ер усти массаси қорамол ва қўй-эчкилар учун тўйимли озик-хашак ҳисобланади. Хашак таркибида 12 фоиздан кўпроқ хўл протеин, 15 фоизга яқин оксил моддалари ҳамда 2 фоиздан ортик ёғлар борлиги аниқланган. Качим хом ашёсига бўлган талабни қондириш мақсадида уни экинга айлантириш агротехника коидаларини Ўзбекистон Фанлар Академияси Ботаника илмий тадқиқот институти ўсимлик хом ашёлари олимлари томонидан ишлаб чиқилган. Экинга айлантирилган качим ўсимлигидан олинадиган хом ашё учинчи йилданоқ барча техник талабларга тўлиқ жавоб беради. Бу даврда унинг илдиз хосилдорлиги қуруқ вазнда гектаридан 18 тоннагача етади. Ундаги сапонин моддаларининг миқдори эса 16 фоиздан ошади.

ОШЛОВЧИ ЎСИМЛИКЛАР

Ошловчи ўсимликлардан олинаётган танид моддаси (тери ошлашда,кўнлашда) тери саноатида, тиббиётда(дори-дармонлар тайёрлашда) балиқчилик саноатида(балиқ овлайдиган асбоблар,айниқса тўрларни чиритмаслик билан) муҳим аҳамиятга эга.Танид моддаси билан ошланган терилар юмшок,эгиловчан,сувларни ўтказмайдиган ва унда чиримайдиган, қотмайдиган ҳамда қайнатилганда титилиб кетмайдиган(гидролизга берилмайдиган)хусусиятларга эга бўлади.

Тери саноатида ўсимликлардан олинаётган танид моддасидан ташқари сунъий ҳолда кимёвий усул билан тайёрланган кўнловчи моддалар-синтанлар(сульфисинтан,сульфитцеллюлоза экстракти,хром,бензохинон, альдегидлар,спиртлар)ҳам маълум миқдорда ишлатилади.Шу сабабли уларни синтан билан бутунлай алмаштириш мумкин эмас. Айниқса фармацевтика,тўқимачилик,пластмасса саноатларида қўлланиладиган танид моддасини синтанлар билан алмаштириб бўлмайди.Юқори сифатли танид моддаси эман дарахтининг пўстлоқ ёки ёғочлик қисмидан ,толаларнинг пўстлоқларидан скумпия, лабазник, тотим каби ўсимликларнинг баргларида,торон,отқулоқ,ровоч ва бошқа бир қанча ўсимликларнинг илдизларидан олинади.

Танид моддасига бўлган эҳтиёжни қондириш учун МДХ давлатларида камида 850000 кб м эман дарахтининг ёғочлик қисми,200 минг тонна ўсимлик пўстлоғи,5-6 минг тонна торон ва ровоч илдизлари сарф қилинмоқда. Бу кўрсаткичлар йил сайин ошиб бормоқда.Ошловчи ўсимликларнинг Европада -40 тури, Хиндистонда -68 тури, Ўрта Осиёда 250 тури,шу жумладан Ўзбекистонда 180 дан ортиқ тури ўсади.Улар толдошлар,қайиндошлар,пистагулдошлар,торондошлар, раъногулдошлар,герандошлар,мимоздошлар,кермакдошлар ва бошқа оилаларнинг вакиллариدير.

Ўзбекистон флорасида энг ахамиятли ошловчи ўсимликлардан: торон,откулок,ровоч,кермак,анжабор,тотим кабилари кенг ўрганилган. Уларнинг баъзи бирларини маданий экин сифатида экиб кўпайтириш мумкинлиги хар тарафлама исботланган.Халқ хўжалигининг баъзи тармоклари учун хом-ашё бўладиган ошловчи ўсимликлардан энг мухимлари

ЗАРАНГ-бу туркум вакиллари зарангдошлар оиласидан бўлиб, буйи 20 метрга борадиган дарахтлардир. Зарангнинг Ўзбекистон флорасида 14 та тури мавжуд.Улар Республикамизнинг барча вилоятларининг территориясида денгиз сатхидан 2000 м баландликда бўлган майда шағалли жойларда учрайди.Баъзи турлари богларда ўстирилади.Энг кўп тарқалгани Туркистон зарангидир.Ундан махаллий халқлар хар хил мақсадлар учун,чунончи жуда мустахкам бўлгани учун унинг ёғочидан турли хил хўжалик асбоб ускуналари тайёрланади, пўстлоғидан сурги сифатида фойдаланилади. Заранг баргида 11% ва меваларида 13.5 % танид моддаси бор. Республикамизда унинг табиий бойликлари бирмунча кўпдир:

ТОЛ- бу туркум вакиллари толдошлар оиласига кирувчи дарахтлар бўлиб,МДХ мамлакатлари флорасида уларнинг 167 тури мавжуд, шундан 43 тури Ўзбекистонда учрайди.Буларнинг 28 тури ёввойи толлардир.Уларнинг кўп тарқалган турлари оқтол,кўктол, қоратол,сариктол,мажнунтол ва эчкитоллардир.

Толлар халқ хўжалигида катта ахамиятга эга.Улардан тупрок емирилиши ва сув тошқинига курашиш учун ариқ ва дарё бўйларига экилади.Толларнинг ёғочи эса хар-хил асбоб-ускуналар ясашда,целлюлоза,пластмасса ишлаб чиқаришда қўлланилади.Уларнинг ёш новдаларидан сават ва стуллар тўқилади.Пўстлоғидан олинадиган толаларидан ип,арқон,қоп-қанор хамда балиқ овлашда ишлатиладиган тўрлар тайёрланади.Улар асалчил ўсимликлар хамдир.Тўқайлардаги толзорларнинг гектаридан 150 кг асал олиш мумкин.Фармацевтикада унинг пўстлоғларидан салицин моддаси олинади.Толларнинг пўстлоғидаги танид моддасидан тайёрланган экстракт юкори сифатли тагчармлар ва махсус буюмлар ишлаб

чикаришда қўлланилади. Кўнчилик саноатида аҳамиятга эга бўлган танид моддаси асосан 2-6 ёшли болаларнинг пўстлоғидан олинади ва уларнинг миқдори пўстлоғида 10-13 %,барғида эса 7% ни ташкил этади.

ЭФИР МОЙЛИ ЎСИМЛИКЛАР

Ер юзида тарқалган барча гулли ўсимликлар 300 оилага мансуб бўлиб, шундан 87 оиланинг 2500 турида эфир мойлари борлиги аниқланган. Ўзбекистонда эфир мойли ўсимликларнинг 607 тури маълум бўлиб, улар 26 туркумга ва 56 оилага киради.

Эфир мойлари ўсимликларнинг турли органларида хужайра ва тўқималарнинг махсус жойларида тўпланади. Бундан ташқари хужайра ширасида ва паренхима хужайраларида эмулсия ҳолида учрайди. Ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиш шароитига қараб ундаги эфир мойлари миқдори ўзгариб туради. Эфир мойлари кимёвий таркибининг жуда мураккаблиги, учувчанлиги ва хушбўйлиги билан ўсимлик мойларидан фарқ қилади. Агар эфир мойлари қоғоз ва материалга тегизилса, унда ҳеч қандай доғ қолдирмайди, ўсимлик мойлари эса доғ қолдиради. Шунингдек эфир мойлари овқат сифатида истеъмол қилинмайди, ўсимлик мойлари истеъмол қилинади.

Эфир мойлари кўпчилик ўсимликларда эркин ҳолда бўлиб, сув буғи ёрдамида хайдаб ёки экстракция йўли билан ажратиб олинади. Баъзи ўсимликларда эфир мойлари глюкозидлар ва бошқа моддалар билан бириккан ҳолда бўлади. Уларни соф ҳолда ажратиб олиш учун фармацевтика усулидан фойдаланилади.

Эфир мойларининг ўсимлик учун аҳамияти ҳақида ҳар хил фикрлар мавжуд бўлиб, бу мой ўсимликни турли хил касалликдан ва зарарқунандаларнинг таъсиридан сақлаб қолади. Шу билан бирга ўсимлик тўқималари шикастланганда уларни чиримаслигини ва қайта тикланиши учун хизмат қилади. Хайвонлар томонидан ейилишидан ҳимоя қилади. Хашаротларни ўзига жалб қилиб, улар ёрдамида чангланади. Эфир мойлари буғланиб чиқиб, ўсимлик атрофини ўраб олади ва иссиқ ҳаво йўлини маълум даражада тўсиб, натижада кундуз кунлари ўсимликни ҳаддан ташқари иссиб кетишидан ва кечаси совиб қолишидан сақлайди ҳамда

Ўсимликларда сув буғланинини ҳам бошқариб туради. Эфир мойлари ўсимликларда запас модда сифатида уларнинг яшил қисмларида ҳосил бўлиб, сўнгра мева берадиган аъзолари томон аста-секин ўта бошлайди. Гуллаш даврида уларнинг бир қисми сарфланади, қолган қисми эса баргларга қайтади. Эфир мойлари ўсимликнинг ҳаёт жараёнларида пайдо бўлган ташландиқ модда бўлиб, уни ўсимликлар барча аъзоларидан чиқариб ташлашга ҳаракат қилади. Юқорида баён этилган фикрлардан маълум бўладики, ўсимлик организмида эфир мойларининг ҳосил бўлиши сабаблари ва уларнинг аҳамияти тўғрисида хилма-хил фикрлар, фаразлар мавжуд бўлиб, бу фикрлар ҳали қатъий келишиб олинмаган фаразлар бўлиб келмоқда.

Эфир мойлари мураккаб бирикмалардан ташкил топган бўлиб, уларнинг таркибий қисмлари ҳал хил. Шунингдек эфир мойлари ҳосил бўлиш компонентлари ҳам турличадир. Лекин шунини таъкидлаш керакки эфир мойлари ўсимликларда қандайдир муҳим физиологик ролни бажаради. Улар моддалар алмашинуви туфайли ҳосил бўлган мураккаб бирикмалардан ташкил топган маҳсулотдир.

Жуда қадим замонлардан бери одамлар овқатларга мазали таъм ва ёқимли хид бериш мақсадида турли-туман зиравор ва эфир мойли ўсимликларнинг баргларидан, меваларидан ҳамда уруғларидан фойдаланиб келишмоқда. Сўнгги пайтларда халқ хўжалигининг турли соҳаларида эфир мойли ўсимликлардан олинаётган хомашё маҳсулотлари ишлатилмоқда. Айниқса, эфир мойларидан парфюмерия саноатида атир упалар, тиш пасталари ва порошоклар, помадалар ҳамда совун ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилмоқда. Фармацевтикада баъзи бир эфир мойлари ҳамда уларнинг аралашмаларидан ментол, тимол, анетол ва бошқаларидан даволашда, антисептик хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли турли хил (тиш оғриғи, тери касалликлари, сочларга ишлов берадиган) дорилар тайёрлашда ишлатилмоқда. Ментолнинг спиртли эритмаси оғиз бўшлиғи жароҳатланганда ва нафас йўллари яллиғланганда, ошқозон-ичак йўллари

инфекциясиз касаллик билан оғриганда даволаш мақсадида ишлатилади. Валидол, камфорадан- юрак, тимол-евгенолдан – тиш касалликларини даволашда кенг фойдаланилади.

Эфир мойлари учувчанлик ва бактерицидлик хусусиятга, хушбуй хидга эга бўлганлиги туфайли улардан жамоат биноларини, мактабларни, болалар яслиларини, боғчаларни ва кинотеатрларни дезинфекция қилишда ишлатиш мумкин. Улардан қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунанда ва касалликларга қарши курашишда фойдаланилади.

Эфир мойлари озиқ-овқат саноатида катта аҳамиятга эга. Улар конфетлар, ҳар хил булочкалар, спиртли ва спиртсиз ичимликлар, винолар ликерлар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Консерва ва балиқчилик саноатида эфир мойисиз иш кўриш мумкин эмас. Баъзи ўсимликларнинг (кориандр, анис, тмин) уруғларидан эфир мойлари ажратиб олингандан кейин, улардан техник мақсадларда ишлатиладиган еғлар олинади. Қолган кунжаралари эса хайвонлар учун юқори сифатли, оқсилли озиқ ҳисобланади. Кўпчилик эфир мойли ўсимликлар атиргуллар, гулисапсарлар, райхонлар, пиёзгуллар ўз навбатида лаванда, кориандр, мармарак ва иссоплар эса энг яхши асалчил ўсимликлардандир. Шундай қилиб эфир мойлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатилиши билан бир қаторда халқаро бозорда уларга бўлган талаб кун сайин ошиб бормокда. Эфир мойли ўсимликлардан қуйидагиларни мисол қилиш мумкин:

ЁВВОЙИ ЧИННИГУЛ чиннигулдошлар оиласига кирувчи бу ўсимликнинг пояси асосидан ёғочланган ва кучли шохланган бўлиб, буйи 15-25 см келадиган кўп йиллик ўтдир. Ёввойи чиннигул май-июн ойларида гуллаб, уруғи июл-август ойларида етилади. У республикамизнинг барча тоғли туманларида шағал тошли ва тошли ерларда ўсади. Унинг гули хушбуй хидли бўлиб, таркибида қимматли эфир мойи бўлиб, парфюмерия саноатида юқори сифатли атир ва одекалонлар ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин. Ўсимликнинг гулида 0.15-0.2 % эфир мойи бўлиб, у сарик ранглидир. Ёввойи

чиннигул манзарали ўсимлик хисобланади шунинг учун уни боғларда экиб ўстириш мумкин.

Маълумки эфир соғлик учун жуда муҳим бўлиб, эфир мойларидан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин. Эфир мойлари одам танасига шифобахш хусусиятга эга. У антисептик кучга эга бўлиб, яраларнинг битишига ёрдам беради. Шу мойлар билан фалажни, ревматизм, бош оғриғини даволаса бўлади. Лорингит ва бронхит касалликларида йўталга қарши ҳам даво сифатида ишлатилади.

Эфир мойли ўсимликлардан тайёрланган экстрактдан ревматизм касаллигини даволашда фойдаланилади. Эфир мойли ўсимликлар ўзларидан бактерияларни ўлдирувчи фитонцидлар ажратади.



ЭФИР МОЙЛИ АРЧА

ХУЛОСА

Инсон ҳаёт гултожи бўлса, унга ҳаёт берувчи яшил ўсимликлардир. Булар биргина инсон ҳаётидагина эмас, балки табиатдаги мавжуд барча курт - қумурскалардан тортиб то улкан умуртқали ҳайвонлар ҳаётида ҳам ғоят катта аҳамиятга эгадир. Чунки, уларсиз тирик организмнинг яшаши мумкин эмас. Ўсимликлар бизни озиқ - овқат, кийим – кечак, дори – дармон, қурилиш материаллари учун хом ашё, ёқилғи, чорва моллари учун ем – хашак; чорва моллари эса бизга гўшт, сут, тери, ёғ каби инсон учун зарур бўлган маҳсулотларни етказиб беради, қолаверса, тирик организм учун ҳаётий зарур ҳисобланмиш ҳавони ҳам тозалаб етказиб беради.

Мутахассисларнинг аниқлашича, бир гектардаги ўрмонзор кунига 280-300 кг карбонат ангидриддан фойдаланиб, инсон учун керакли органик моддалар (ёғ, оксил, витаминлар ва ҳоказо) тўплашдан ташқари 180-220 кг гача нафас олиш учун соф ҳаво-оксигенни етказиб берар экан. Бундан ташқари, улар деярли барча минтақалардаги тупроқ қопламани сув ва шамол эрозиясидан, қолаверса ўзлари ўсаётган жойлардаги тупроқнинг сув режимини ҳам бир меъёردа сақлаб турадилар.

Ўсимликлар ҳаётимизда жуда катта аҳамият касб этар экан, улар ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлишимиз ва сақлашимиз керак бўлади. Оддий бир мисол биргина ёғочдан 2000 га яқин маҳсулот олинади.

Ҳозирги кунда табиатни асраш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда, табиий ландшафтни асраб қолиш ўсимликлар заҳирасини кўпайтириш, ем хашаки ёки озуқабоб ўсимликларни кўпайтириш асосий муаммолардан биридир. Шу сабабли ўсимликларни муҳофаза қилиш мавзунинг долзарблигини кўрсата олади.

Муҳофаза талаб ўсимликлардан ошловчи ўсимликлар, сапонинли ўсимликлар, доривор ўсимликлар, ноёб турлар, эфир мойлиларига бой бўлган айрим ўсимликларга батафсил тўхталиб ўтилди.

Мухофаза талаб ўсимликларга экобиологик тавсиф бериш билан бир қаторда, уларни таҳлил қилиш, уларнинг халқ хўжалигидаги, табобатдаги, парфюмериядаги, ишлаб чиқаришдаги аҳамияти ўрганилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Буригин В.А. бошқалар. Ботаника. Ўрта мактаб, 1977. 348
2. Мустафаев С.М. Ботаника. Тошкент, Ўзбекистон, 2002. 304-465 бетлар.
3. Ҳамдамов И. Ботаника асослари. Тошкент, Меҳнат, 1990. 319 с.
4. Суворов В.В. , Воронова И.Н. Ботаника с основами геоботаники. Л. Колос, 1979. 560с.
5. Ҳамидов А., Набиев М.М., Одилов Т.А. Ўзбекистон ўсимликлари аниқлагичи. Т. “Ўқитувчи”, 1987. 327с.
6. Жизнь растений. Под.ред.акад. А.Тахтаджяна. Т.4,5,6 М.: Просвещение, 1982.
7. Сахобиддинов С.С. Ўсимликлар систематикаси. Тошкент "Ўқитувчи", 1966.11
- 8.Шифобахш ўсимликларЎзбекистон нашриёти Т.1997 .
9. Тахтажан А.Л. Система магнолиофитов. Л.: Наука, 1987.
10. Ўзбекистон ўсимликлари Абдужалилов С Тошкент 1998 й
11. Фурсаев А.Д., Тарасов А.О. Висшие растения(Руководство к практическим занятиям студентов) Изд. Саратовского университета. 1961.

